

ЎЗБЕКИСТОН СУГУРТА БОЗОРИНИ ХИТОЙ ТАЖРИБАСИ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Тўғизова Малика Сохиб қизи

Токент давлат иқтисодиёт университети

Суғурта иши йўналиши талабаси

malikatugizova47@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада Хитой суғурта бозорини ривожланиши жараёнлари тахлили келтирилиб, Хитой суғурта бозорининг Ўзбекистон суғурта бозори билан қиёсий тахлили асосида Ўзбекистон суғурта бозорини ривожлантириши истиқболлари келтирилган. Ўзбекистон суғурта бозорида ҳаёт суғуртаси аҳамиятини ошириши бўйича таклифлар мавжуд.

Калит сўзлар: суғурта бозори, эркин савда, суғурта компанияи. ҳаёт суғуртаси, суғурта захираси, узоқ муддатли инвестиция, экспорт суғуртаси, суғурта бадали, суғурта портфели, шахсий суғурта, жахон савдо ташиқлоти, суғурта фаолияти.

ВОЗМОЖНОСТИ РАЗВИТИЯ СТРАХОВОГО РЫНКА УЗБЕКИСТАНА НА ОСНОВЕ КИТАЙСКОГО ОПЫТА

Аннотация. В данной статье представлен анализ процессов развития страхового рынка Китая, перспективы развития страхового рынка Узбекистана на основе сравнительного анализа страхового рынка Китая со страховым рынком Узбекистана, есть предложения по повышению значимости жизни страхование на страховом рынке Узбекистана.

Ключевые слова: страховой рынок, свободная торговля, страховая компания. страхование жизни, страховой резерв, долгосрочные инвестиции, экспортное страхование, страховая премия, страховой портфель, личное страхование, международная торговая организация, страховая деятельность.

OPPORTUNITIES FOR THE DEVELOPMENT OF THE INSURANCE MARKET OF UZBEKISTAN ON THE BASIS OF THE CHINESE EXPERIENCE

Annotation. *This article presents an analysis of the development processes of the Chinese insurance market, prospects for the development of the insurance market of Uzbekistan based on a comparative analysis of the Chinese insurance market with the insurance market of Uzbekistan, there are proposals to increase the importance of life insurance in the insurance market of Uzbekistan.*

Key words: *insurance market, free trade, insurance company, life insurance, insurance reserve, long-term investments, export insurance, insurance premium, insurance portfolio, personal insurance, international trade organization, insurance activity.*

Кириш

Сўнгги йилларда жаҳон иқтисодий тараққиётга ўз ҳиссасини қўшаётган давлатлар орасида Хитой давлатининг улуши ўсиб бормоқда. 2021 йил жаҳон суғурта бозори кўрсаткичлари бўйича “Swiss Re Institute” ҳисобатида кўра асосий бозорларда суғурта мукофотларининг ўсиши Хитой учун 6,3%, АҚШ учун 1,7%, Ғарбий Европа учун 2,8% ва ривожланаётган бозорлар учун 5,6% даражасида прогноз қилинган³. Хитойнинг суғурта бозори йиғилган бадаллар бўйича ҳам, тузилган шартномалар сони бўйича ҳам дунёдаги энг йирик бозорлардан бири ҳисобланади. Деярли барча мамлакатларда хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш тенденцияларидан бири суғурта бозори аҳамиятини ортиб бориши бўлиб, бу ишлаб чиқариш фаолиятининг барча жабҳалари ва фуқароларининг турмуш тарзининг риволанаётганлиги билан изоҳланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Хитой суғурта бозорини тараққий топиш жараёнлари турли хил усулларда МДХ ва хорижий олимлар томонидан тадқиқ этилмоқда. МДХ олимларидан Волкова М.В. Исаченко В.Ю. Жилина Л.Н лар томонидан илмий изланишлар олиб борилган. Bingzheng Chen, Sharon Tennyson, Maoqi Vang va Xayzhen Chjou

³ swiss-re-institute-sigma-3-2021-en. Swiss Re Institute ҳисобати.

томонидан “Хитой суғурта бозорининг ривожланиши ва тартибга солиниши: тарих ва истиқболлари” ҳақидаги тахлилий илмий мақолаларда Хитой суғурта бозори ҳақида илмий изланишлар олиб борилган. Мақоламиз Хитой суғурта бозори ривожланишини қиёсий тахлили асосида Ўзбекистон суғурта бозорини ривожлантириш йўллари тахлил қилинганлиги билан ажралади.

Тахлил ва натижалар:

Хитой иқтисодиётини жаҳон иқтисодиёти билан интеграциялашуви Хитой суғурта бозорини кўрсаткичларига ижобий таъсири сезилмоқда. 2001 йил 11 декабрда Хитой ЖСТнинг 143-аъзоси бўлди ва бу воқеа Хитойда ҳам, дунёда ҳам катта ўзгаришларга олиб келди. 2005 йилдан 2013 йилгача ЖСТ бош директори Паскал Ламининг таъкидлашича, “ЖСТга аъзо бўлиши билан Хитой халқаро савдода муҳим иштирокчига айланди. Мамлакат дунёнинг қолган мамлакатлари билан эркин савдо қилишдан фойда кўрмоқда, қолган мамлакатлар ҳам Хитой билан эркин савдодан фойда кўрмоқда, шунинг учун бу ҳолатнинг барча иштирокчи мамлакатлар иқтисодий тараққиётига ижобий таъсири кузатилмоқда.”⁴.

Хитой ЖСТга аъзо бўлганидан кейин эркин иқтисодий зоналарда: Шанхай, Гуанчжоу, Шенчжен ва бошқаларда хорижий суғуртачиларнинг шўба корхоналарини ташкил этишга рухсат берилди. Яъни дунё суғурта бозоридаги йирик иштирокчи ҳисобланган АҚШ, Япония ва Германия каби мамлакатлардаги йирик суғурта компаниялари Хитой суғурта бозорига кириб бориши кузатилди. Бугунги кунда “Royal & Sun Allianz”, “AIG” каби халқаро суғурта компаниялари Хитой суғурта бозорида суғурта хизматларини кўрсатувчи шўба тармоқларини ташкил этиб улар томонидан тўлиқ суғурта хизматлари амалга ошириш амалиёти йўлга қўйилган. Айти пайтда Хитойда 150 дан ортиқ миллий ва хорижий компаниялар фаолият юритмоқда. Хитой суғурта бозорининг ярмидан кўпи икки йирик Хитой суғурта компанияси “China Life

⁴<https://rg.ru/2019/09/29/vstuplenie-kitaia-v-vto-stalo-faktorom-mirovogo-ekonomicheskogo-rosta.html>
“Вступление Китая в ВТО стало фактором мирового экономического роста” Чэнь Вэйхуа

Insurance” va “Ping An Insurance” tomonidan nazorat qilinmoqda, ular Форбес маълумотларига кўра дунёдаги энг йирик суғурта компаниялари ўнталигига киради. Хитой суғурта компанияларидан давлат 33%, чет эл улуши бўлган компаниялардан 15% солиқ ундиради. Ҳаётни суғурталовчи компаниялар солиқлардан тўлиқ озод қилинган⁵.

Хитой суғурта бозорида суғурталанувчиларнинг манфаатларини инобатга олган ҳолда бир қанча ички тартиблар ишлаб чиқилган. Чет эл капитали иштирокидаги суғурта ташкилотлари миллий суғурта компаниялари томонидан тузилган суғурта захираларига ўхшаш суғурта захираларини шакллантиришлари шарт. Бироқ, бу захираларни шакллантириш учун талаблар миллий суғуртачиларга нисбатан қаттиқроқдир. Шундай қилиб, ҳаётни суғурталовчи компаниялар томонидан, хорижий суғуртачилар томонидан шакллантирилиши керак бўлган мукофотлар захираси узоқ муддатли амалдаги шартномаларнинг умумий қиймати ва ҳисобот йили учун олинган ҳаёт суғуртаси мукофотларининг 50 фоизи миқдорида шакллантирилиши керак. Бундан ташқари, узоқ муддатли ҳаёт суғуртаси шартномаларининг қиймати Хитой Халқ банкининг Шанхай филиали томонидан ваколат берилган актуарийлар томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши керак. Узоқ муддатли шахсий суғурта учун захиралар барча фаол суғурта даъволарининг умумий миқдоридан кам бўлмаслиги керак.

Суғурта операцияларини амалга оширишда хорижий капитал иштирокидаги ташкилотларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида ҳаётни суғурта қилишдан ташқари суғурта шартномалари бўйича жавобгарлик жамиятнинг ўз маблағларининг 10 фоизидан ошмаслиги керак. Белгиланган лимитдан ошиб кетган жавобгарлик қайта суғурталашга ўтказилади.

Хитой суғурта бозорининг аҳамияти ҳам маҳаллий, ҳам хорижий суғурта компаниялари учун жуда муҳим. Бироқ, бозорнинг кейинги ривожланиш суръати кўп жиҳатдан малакали мутахассисларнинг мавжудлиги, суғурта

⁵ <https://applied-research.ru/ru/article/view?id=9806> “Деятельность иностранных страховых компаний в Китае” Волкова М.В. Исаченко В.Ю. Жилина Л.Н.

бозорини ривожлантириш стратегиясини қайта кўриб чиқиш ва инвестиция имкониятларига боғлиқ. Суғурта бозорини ривожлантириш стратегиясини қайта кўриб чиқиш сифат жиҳатидан янги босқичга ўтишни англатади, бу суғуртачиларнинг суғурта мукофотларининг кўпайиши ва суғурта портфелининг кенгайиши қабул қилинган таваккалчиликлар миқдорини мутаносиб равишда оширишини англатади. Хизматлар сифатини ошириш бозорнинг айрим тармоқларини ихтисослаштириш ва сотиладиган суғурта маҳсулотлари турларини кенгайтиришни назарда тутди. Хитойнинг иқтисодий ривожланиши миллий суғурта бозорига сезиларли туртки бериши мумкин. Ҳозирги вақтда Хитойда суғурта турларининг ўсиши кузатилмоқда. Бозорда суғурта маҳсулотларини илгари суришнинг маркетинг усуллари ҳам ўзгарди.

Хулоса ва таклифлар

Ўрганишлар шуни кўрсатадики, Хитой суғурта бозорининг сўнгги ўн йилликдаги юқори даражадаги юксалишига биринчи ўринда ЖСТ га аъзо бўлиши ва эркин савдо бўйича бошқа ҳамкор давлатлар билан иқтисодий интеграциялашуви сабаб бўлган. Шунингдек Хитойда суғурта бозори иштирокчиси саналувчи ҳам хорижий ҳам маҳаллий суғурта компаниялари турли хил механизмлар орқали қонун доирасида қўллаб-қувватланиш амалиётини йўлга қўйилганлигини кўришимиз мумкин, жумладан ҳаёт суғуртаси билан шуғулланувчи суғурта компанияларига солиқдан бир қанча имтиёзлар белгиланганлиги Хитойда яқин келажакда ҳаёт суғуртасини янада кенгайишига олиб келади.

Хитой суғурта бозорини дунёдаги мавқеини ошишига Хитой аҳолисининг кўплиги ҳам таъсир этади, чунки ҳаёт суғуртасини айниқса узоқ муддатли ҳаёт суғуртасини кенгайишига олиб келиб, узоқ муддат давомида Хитойдаги ҳаёт суғурта компанияларини йирик инвесторларга айланишига сабаб бўлади.

Қиёсий таҳлилларимизга кўра Ўзбекистон суғурта тизимига Хитой тажрибаси асосида қуйдаги таклифлар ўзининг ижобий самарасини бериши мумкин:

Ҳаёт суғуртаси билан шуғулланаётган суғурта компанияларига турли хил солиқ имтиёзларини беришни қайта кўриб чиқиш бунда асосан узоқ муддатли ҳаёт суғуртаси бўйича имтиёзлар беришни назарда тутиш лозим.

Мамлакат аҳолисининг барча қатламларини айниқса моддий таъминот даражаси ўртача ва ўртачадан паст бўлган қисмининг манфаатларига мос келувчи суғурта турларини яратиш орқали суғурталанувчилар синфини кенгайтириш керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pmc/articles/PMC8339194/> Does the Development of the Insurance Industry Promote the Purchase of Rural Commercial Health Insurance? Cong Li, Si-Fan Wang, Xi-Hua Liu.

2. swiss-re-institute-sigma-3-2021-en. Swiss Re Institute 2021 йил ҳисобати.

3. <https://rg.ru/2019/09/29/vstuplenie-kitaia-v-vto-stalo-faktorom-mirovogo-ekonomicheskogo-rosta/> “Вступление Китая в ВТО стало фактором мирового экономического роста” Чэнь Вэйхуа.

4. <https://applied-research.ru/ru/article/view?id=9806> “Деятельность иностранных страховых компаний в Китае” Волкова М.В. Исаченко В.Ю. Жилина Л.Н.

5. <https://www.smu.edu/-/media/Site/Cox/Departments/RMI/China-RMI-Synopsis.pdf> “The Development and Regulation of China’s Insurance Market: History and Perspectives” by Bingzheng Chen, Sharon Tennyson, Maoqi Wang and Haizhen Zhou Risk Management and Insurance Review, 2013, Vol. 17, No. 2, 241-263.

6. See Zheng, W., 2011, China’s Insurance Regulation: Framework, Issues and Prospects, in: P. M. Liedtke and J. Monkiewicz, eds., The Future of Insurance Regulation and Supervision: A Global Perspective Basingstoke: Palgrave Macmillan), pp. 337-353.